



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Газетаси 29 октябрь, чоршанба, 1997 йил Сотува эркин нархда. № 222 (1739)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Капитал қурилиши ташкил этиши тартибга солиш, тузилма хусусияти ва аҳамиятига эга бўлган йирик объектлар қурилиши бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда зарур тартиб ўрнатиш, валюта маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек хорижий ҳамкорлар олдига олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида:
1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб, молиявий таъминот манбаларидан қатъи назар, қиймати 25 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлган (1991 йил нархида) объектлар;
2. ҳар йили давлат бюджети билан биргаликда тасдиқланган республика инвестицион дастурига киритилган объектлар;
3. лойиҳа қийматидан қатъи назар, ҳуқуқат қарилганда хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилган ҳолда барпо этилаётган объектлар бўйича қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қабул қилинган халқаро битимларда техник-иқтисодий асосларни тасдиқлашнинг бошқача тартиби кўзда тутилган бўлса, ана шу битимларда белгиланган тартиблар қўлланилади.
Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаганига қадар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим.
Корхоналарнинг, жойлардаги давлат органларининг ўз маблағи, тижорат банклари кредитлари ҳамда бевосита хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган бошқа инвестицион лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асослар курсатилган органлар, корхоналар ёки уларнинг юқори ташкилотлари томонидан тасдиқланади.
2. Белгилаб қўйилсинки,

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Макроиктисодийни барқарорлаштириш, миллий валютанинг харид қобилиятини ошириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардор маҳсулот салмоғини кўпайтириш, молия интизомини мустаҳкамлаш, хусусий ва қичқ бизнесни ривожлантириш Президент Ислам Каримов томонидан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган жорий йилнинг асосий вазифаларидир. Зеро, маъзур вазифаларнинг амалга оширилиши халқимиз турмуш шaroитини яхшилашга хизмат қилади.
Республика Вазирлар Маҳкамасининг 28 октябрь кунги бўлиб ўтган мажлиси ҳам ана шу — тараққийимизнинг устувор йўналишлари муҳофазатига бағишланди.
Унда 1997 йилнинг 9 ойида Ўзбекистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш яқунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, вазирлик, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, илора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этиди.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

вазир ўринбосари — макро-иқтисодий ва статистика вазир Б. Ҳамидов, молия вазир Ж. Сайфидинов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, ташқи иқтисодий алоқалар вазир Э. Ғаниев кун тартибга киритилган масала юзасидан маъруза қилдилар.
Маърузаларда халқ ҳўжалигини яхшилаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳамда бюджетта муддатда тўланмаган тўловларнинг умумий ҳажми бирмунча қамайгани қайд этилди. Шу билан бирга, муддатда тўланмаган тўловларнинг асосий қисми ёқилиш сонояти, энергетика, кимё ва металлургия, агро-ресаноат, халқ истеъмол то-варлари, савдо ва хизматлар, капитал қурилиш, транспорт ҳамда алоқа комплекслари кор-хоналари ҳисобига туви кел-моқда. Кишлоқ ва сув ҳўжа-лиги вазирлиги, «Ўзбекенил-саноат» ва «Ўзкимсаноат» уюшмалари тизимларида зарар қўриб ишлаётган корхоналар сони қамаймапти. Бугунги кунда республика бўйича 230 та ана шундай корхона мав-жуд.
«Ўзмасаноат», «Ўзэлтесано-ат» уюшмалари, «Ўзқиш-лоқ» ҳўжалиқ-хўжалиқ-компанияси корхоналаридан сотил-маган маҳсулотларнинг қол-диқлари юқорилигида қол-моқда. «Ўзқурлишматериал-лар» компанияси, «Ўзсан-оат» ҳўжалиқ-қурилиш» давлат кор-порацияси корхоналаридан иш ҳақи миқдорининг ўсиш суръ-ати меҳнат унумдорлиги ўсиш

ўз айланма маблағларини тўл-дириб, кўпайтириб боришга етарли эътибор бермапти. Оқибатда бундай маблағлар-нинг етишмаслиги натижасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари кўпайиб кетмоқда.
Кишлоқ ҳўжалигида исло-хотларни чуқурлаштириш шу куннинг асосий муаммоси бў-либ тургани ҳеч кимга сир эмас. Маъзур масала бўйича махсус комиссия тузилгани, Президентнинг Наманган ва Фарғона вилоятларида пахта йиғими-теримини ташкил этишдаги қамчиликлар ҳусу-сида махсус фармойиш чиқар-гани, республика прокура-турасида қишлоқ ҳўжалиқ соҳасида қабул қилинган қонун, фармон ва қарорлар-нинг жойларда бажарилиши тўғрисидаги масала муҳофиза-этилгани бежиз эмас. Бун-дан чиқадиган ҳулоса шунки, деҳқонларга ҳамма ёрдам бе-риши керак. Хусусан, банк муассасалари ҳўжалиқлар-нинг самарали фаолият юри-тиш учун улар етиштири-дан аванс маҳсулот ҳисобидан аванс маблағлари бериш ма-салаларини вақтида ҳал этиш-лари даркор.
Пахта йиғим-терими мавсу-мини кўнгилдагидек яқунлаш, ерларни шудорлаш, қуғи га-лда экиш, айниқса, шולי ҳос-илини нес-нобуд қилмай йиғиб олиш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилади. Экспорт ҳажмини ке-нгайтириш, контрактация шарт-номаларини жаҳон стандартла-ри асосида тузилишига эри-шиш, ўзаро қарзларни қамай-тириш муҳим вафиза экани қайд этилди. Инсон манфаат-ларини таъминлаш, замонавий қадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган дастурларда белги-ланган тадбирларни тўла амалга ошириш ҳар бир раҳбарнинг бурчи экани таъкидланди.
Тошкент вилояти ҳокими-нинг биринчи ўринбосари Т. Мирёқубов, Сурхондарё вило-яти ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Каримов, «Ўзавоттранс» давлат корпо-рацияси раиси Л. Ахметов, «Ўзбекбирлашув» раиси Ф. Бурхонов, «Ўзқишқўзтаъ-ми-ноттаъмир» давлат-кооператив қўмитаси раиси Б. Олимжон-овнинг кўриб чиқилган масала-лар юзасидан ахборотлари тин-гиланди.
Мажлисида республика Бош вазирининг биринчи ўринбо-сари И. Ҳўрабеков, Олий Маж-лис Раисининг ўринбосари Б. Бутров, Президентнинг Дав-лат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Е. Жа-лолов, Бош вазир ўринбосар-лари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
Р. ЧАГАЕВГА «Ўзбекистон Белгиси» Кўкрак Нишони Бериш Тўғрисида
Ватанимиз обрўсини, шон-шўхратини ва шарафини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда дунё миқёсида эришган улкан ютуқлари учун бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
А. ГРИГОРЯНГА «Ўзбекистон Белгиси» Кўкрак Нишони Бериш Тўғрисида
Мамлакатимиз обрўсини, шон-шўхратини ва шарафини юксалтиришга қўшган улкан хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, «Олтин камар» соҳибини Артур Григорянга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг Ўринбосари А. И. МУҲИДДИНОВНИ Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва Сув Ҳўжалиги Вазирлиги Вазирлиги Биринчи Ўринбосари Этиб Тайинлаш Тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўринбосари Азимжон Исмоиловни Муҳиддинов Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
Н. С. ЮСУПОВНИ Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва Сув Ҳўжалиги Вазирининг Биринчи Ўринбосари Этиб Тайинлаш Тўғрисида
Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
Носиржон Собирович Юсупов Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин ва шу сабабдан «Узгирсугурта» давлат-акционерлик сугурта компаниясининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
М. ЖУМАНИЕЗОВНИ Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва Сув Ҳўжалиги Вазирлиги Вазирлиги Вазирлиги Озод Этиб Тўғрисида
Маркс Жуманиезов нафақага чиққиси муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги вазифасидан озод этилсин.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 28 октябрь.

ВАТАН ЧЕМПИОНЛАРИНИ ҚУТЛАЙДИ

Республика Олимпия шон-шўхрати музейида Ўзбекистоннинг икки атоқли чемпионини қутлаш маросими бўлди. Уларнинг бири кечагина Венгрияда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритиб қайтди. Артур Григорян эса шу ойда Германиянинг Котбус шаҳрида профессионал боксчилар ўртасида бешинчи марта чемпион бўлди.



Республика Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизжўяев маросимни очар экан, халқимиз Руслан Чагаев Будапештда шу пайтга-ча беш марта жаҳон чемпиони бўлган Феликс Савонини ентиб, қўлга киритган аjoyиб қалаба билан фахрлани-шини таъкидлади. Руслан Чагаевнинг бу олтин медални Ўзбекистонда баҳодирлар кўп эканидан далолатлар.
Машҳур боксчи Артур Григорян эса юртимиз шўхратига яна шўхрат қўшди. Октябр ойида у профессионал боксчилар ўртасида бешинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. Президенти Ислам Каримов Руслан Чагаев билан Артур Григоряннинг Ватанимиз нуфузини ошириш, унинг шўхратини йиғишга қўшган ҳиссасини юксак баҳолаб

ҲЕЧ КИМНИНГ ТИНЧИ БУЗИЛМАСИН

Кўшниларимизнинг сарсонун саргардонлиги туггани рост бўлсин
Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида 50-60 миң аҳоли қўшини Афғонистонга қочиб ўтган эди. Улар Мозори Шариф яқинида ва Кундуз вилоятларида бериб жойлашдилар. Бирок қочқинлар ёмғирдан қўтилиб, дўлга ту-тилганда бери давом этиб келган би-роодарқушлиқ киргани уларнинг осой-ишта ва хотирма яшашлариға имкон бермади.
Нихоят Тожикистон сийёси илтим-да хароратли қўнлар бошланди. Ҳуку-мат ва мухолифат раҳбарлари жаҳон жамоатчилиги, тинчликсевар кўчлар тасвиринида ўртадаги инсонларни қурол қўлишмасдан, музокаралар ёрдамида ҳал этишга аёд чўлдирлар. Энди даре-нинг ул бетиди ўз ортга термулиб, зор қарқаб ўтирган тожикистонлик қочқинларнинг озу-она-Ватанларига қайтишдек ягона орзу-орمانлари рў-ёга чиқмоқда.
Қўшининг тинч — сен тинч, дейди-лар. Тожикистонда ўқ товушлари ти-наветгани Ўзбек халқини ҳам беҳад қувонтирмоқда. Адоват бор жойдан мезури оқибат, қўл-барма қўтарилади. Бун ён қўнчилиғини ўз таъдирларида аниқ санолаётган ўзбекистонлик.
Ўзбекистон ҳукумати қочқинлар Тер-миз дарё порти орқали ўз Ватанлари-га қайтишлари учун барча имкония-тларни яратиб берди. Утган шавба кун 280 нафар, кун кеча эса яна бир гуруҳ қочқинлар «Сурхон тоғи» номи тило-лоҳ ва баржаларда Термизга ўтдилар. Улар тинч ва осийишта ҳаёт ҳуку-мидан ўзбек дийрадаги осудалик-ни кўриб қўзғариб ёш олдлар.
Додарбек Сангақов:
— Агар мондан дунёда сен учун энг қимматли нарса нини деб сўрасанлар, ҳеч иккиланмас-дан, Тинчлик деб жавоб берган бўлардим. Урушларни, беғуноҳ-кон тўқиларини, айронатарчи-лик ва зўравонликларни бергани-нинг учун мен тинчлик энг бебаҳо бойлик эканлигини дундан ҳис этибтирман. Ўзбек эли ана шун-дай буюк бизматга эга.
Илоб, ноизмин юртимизда ҳам сизгаддек тинчлик, бар-қарорлик қарор топсин.
Додарбек Нонов:
— Мен асли қабадиёликман. «Тожикистон» давлат ҳўжали-гида ҳайдовчи бўлиб ишлардим. Юрт ютинч бўлган, на ишингда экан. Қўнчилиқ сатори оиламиз билан Афғонистонга қочиб ўт-тирдим. Манга, ушанга ҳам бош йил бўлди. Ватанга қайтишга бизга ҳеч йўл очиб берганлиги учун Ўзбекистон раҳбарлигига раҳ-матлар айтмоқчимиз.
Ўз юртимни, қадрдон ишхо-нам ва қариндош-уруғларим-изни ҳудда соғинганман. Ва-таннинг қадрини ватангадодан сўранг экан.
Хайринос Зардонова:
— Уч қундирчи, қўзларинида уйку йўқ. Кўч-қуронимизни йиғиштириб, Тожикистонга қай-тишга ҳозирлик қўрдик. Ўрт фарзандининг онасиман. Улим Жумабек Афғонистонда туғил-ди, ўша ерда 5 яшар фарзанд-идиндан жудо бўдим. Урушлар, қирғинлар, турли жанжаллар, низолавлар асосан айблару бо-ларди кўрпюк жафо чекишди. Кочиб қўришлар, беҳаловат ту-лар вужудини ўртаб юборди.
Тезроқ жонаҳон Қабадинга бориб, эрим билан бирга қолзо-да ишлашдан бошқа армоним йўқ. Бизга хамиса бегараз ёрда-мининг аймаган ўзбек халқига минг бор таъзин қиламан. Ях-шиликлариниғ биздан қайтма-са, худудан қайтсин.
Қабод Асов:
— Кексайган чоғимда юртим ўт-олов ичда қолди. Амал та-лаш, гуруҳбуллик ва узаро адоватлар Тожикистонни қонга ботирди. Кампирин билан юр-тин ташлаб қочиниға тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ УНДИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг ҳисобга олиш ва уларни солиққа тортиш тизимини тартибга солиш, солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдин олиш ҳисобига солиқлар билан тўла қамраб олиш ва уларнинг туши-шини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидагилар белгилаб қўйилсин:
жисмоний шахслар томонидан товарлар сотиш (хизмат-лар кўрсатиш)дан олинган тушум касса дафтаридида қирим қилинмасдан савдо қилиниши (хизматлар кўрсатилиши) учун уларга солиқ органлари томонидан энг кам иш ҳақининг 10 баравари, бу ҳол қайтарилганда энг кам иш-баравари миқдоридида молиявий жазо қўрилади;
(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қенгаши Фарғона вилояти, 186-Бешарик сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Холма-това Замира 1997 йил 27 октябрь кун 50 ёшда беақат вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинлирига ҳамдардлик ихзор этади.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 28 октябрь.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 28 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ Қ А Р О Р И ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ УНДИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

жисмоний шахсни тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома бошқа шахсга берилган ёки бошқа шахсга тегишли гувоҳнома бўйича тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олиб қўйилади, қоида бузувчига нисбатан эса тегишли маъмурий жавобгарлик чораси қўлланади;

турғун савдо тармоқлари орқали савдо қилувчи жисмоний шахслар назорат-қасас аппаратларидан фойдаланишлари ва ҳар қилувчи нақд тушуми банкка топширишлари керак. Бунда улар банкдаги ўз ҳисоб-китоб (шахсий) счётидан топширилган нақд тушум миқдоридан нақд пул маблағлари олишга ҳақлидирлар;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахсларнинг солиқ органларида ҳисобдан ўтишдан бош тортишлари уларга энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорига жарама солишига олиб келади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар номига чет эллардан товарлар келганда улар жисмоний шахс томонидан юридик шахс бўлмасдан тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилган тақдирда божхонада расмийлаштирилади.

3. Жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан даромад (савдо, ишлар, хизматлар) олган ҳолда бир марталик операциялар амалга оширилганда уларга солиқ органларида даромадлари ҳақида бир марталик декларация тақдим этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси даромад олган ҳолда бир марталик декларацияларни амалга ошириш бўйича даромадлар ҳақида бир марталик декларация шаклини ва уни тақдим этиш тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқинлар ва тақдирлашлар.

4. Белгилангани, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб йўловчилар ва юк ташувчи жисмоний шахслар ўз фаолиятини фақат Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт ва алоқа соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низоми» билан тақдирлаш ҳақида 1996 йил 12 майдаги 175-сон қарорда белгиланган тартибда берилган лицензия бўйича амалга оширилад.

Жисмоний шахслар томонидан йўловчилар ва юк ташув ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат бож миқдори юридик шахслар учун амалда бўлган ставкаларнинг 10 фоизи миқдоридан белгилансин.

5. Солиқ органларида айрим ҳолларда ва белгиланган тартибда тегишли солиқ тўловлари учун маблағларни бевосита аҳолидан йиғишга рўхсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси тегишли солиқ тўловларини бевосита аҳолидан қабул қилиш, уларни божхонага ўтказиш тартиби ва шартларини, қиёнатини шаклланиши, шунингдек, уларни ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисобот бериш тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқинлар ва тақдирлашлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Молия вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги билан биргаликда юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат шартини ва уларнинг Пенсия жағмағасига бадал бажаришни тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макroiқтисодий ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаменти юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг мунтазам равишда бир йўла статистик тадқиқ қилиш, унга жисмоний шахслардан белгиланган шаклда зарур маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Макroiқтисодий ва статистика вазирлигининг Статистика давлат департаментига тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойла тақдим этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

жисмоний шахслар томонидан юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган қоидаларига оғишмай

риоя қилинишини таъминласинлар, давлат рўйхатидан ўтмасдан ва тегишли рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси (патент) олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳолларига йўл қўймасинлар;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи ҳуқуқини берувчи рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини беришда аниқ жойни кўрсатмасинлар, уларга ўз фаолиятини давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган жойларда амалга ошириш имкониятини беришлар;

Йирик буюм бозорларида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг ҳужжатлари қабул қилинишини ва уларга рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилишини ташкил этсинлар;

фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари) билан биргаликда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан ноқонуний фаолият билан шугулланиш ҳолларини аниқласинлар.

9. Белгиланган қўйилсинки:

яшириб қолingan ёки қамайтириб кўрсатилган фойда (даромад)нинг барча суммасини ва шу миқдордаги жаримани ундириб олиш тартибдаги молиявий жазолар солиқ органлари томонидан ҳужжатлар бўйича текшириш якуналари ва солиқ тўлашдан бош тортиш ёки фойда (даромад)ни яшириш (қамайтириб кўрсатиш)нинг иловага мувофиқ белгилари мавжуд бўлгандагина қўлланилади;

солиққа тортилган базани ҳисоблаб чиқаришда солиқ қонуничилигининг бузилишига ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатиш сифатида қаралди ва молиявий жазолар, шу жумладан, пеня, солиқ солиналган базани ҳисоблаб қўйилган суммага нисбатан қўлланилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунийлик ва метёрий ҳужжатларини, мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, мувофиқлаштириш юзасидан бир ой муддатда тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлигининг ўринбосари В. Ҳамидов, Давлат солиқ қўмитаси раиси В. Беганов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 23 октябрь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1997 ЙИЛ 23 ОКТЯБРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланганлиги қасдан яшириш ва солиқ тўлашдан бош тортишнинг белгилари

1. Ҳужжатларни сохталаштириш (тузатиш, ноқонуний тўғрилатиш);

2. Қалбаки бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;

3. Фойдаланилмаган моддий харажатларни ишлаб чиқариш ҳисобига қўшиб ҳисобдан чиқариш;

4. Корхонада ишламаётган, лекин ҳисобда турадиган ходимларга иш ҳақи ёниш йўли билан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ошириш;

5. Сотилган олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотил ҳажминини ва даромаддан қасдан қамайтириш);

6. Моддий, ёқилги-энергетика ресурслари харажатларини ва амортизация (ёскириш) миқдорини сунъий равишда ошириш ёки норматив (лимит)ларни нотўғри қўллаш;

7. Ҳужжатларни йўқ қилиш ёки уларни тақдим этишни рад этиш;

8. Сотил жойлардаги бухгалтерия ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатлар билан тегишли равишда расмийлаштирилмаган махсуслот (товар)ларнинг мавжуд бўлиши;

9. Давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органларида ҳисобга турмасдан ҳўжжик (тадбиркорлик) фаолиятини юритиш;

10. Давлат солиқ қўмитасининг ёзма билдиришномаси мавжуд бўлган ҳолда икки ва ундан ортиқ манбалардан даромад олувчи жисмоний шахслар томонидан даромадлари ҳақида декларация тақдим этмаслик.

БАРКАМОЛ АВЛОД -- ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ



Республикамизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини теран ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Барқамол авлод» — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» сарлавҳаси остида чоп этган китоб ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Мамакатимизда йўлбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда. Жамиятимиз ривожланишининг, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида маънавий жиҳатдан мукаммал инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни оқсатириш, миллий уйғонини гоёсини рўбга чиқаришнинг янги авлоди вояга етказиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолди. Шу босис, Олий Мажлисининг тўққизинчи сессия-

си асосан ана шу масалаларга баришлангани ҳам бежиз эмас. Президентимизнинг мазкур сессиядаги нутқида бу боралдаги вазифалар аниқ ва равшан баён этиб берилди. Олий Мажлис «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини қабул қилди. Жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу Қонун ва Дастурда фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари, қадрлар тайёрлаш миллий моделини рўбга чиқаришнинг асосий тамойиллари белгиланган бўлиди.

(3-А)

• ПУБЛИЦИСТИКА

Балиқнинг ҳаммаси ҳам балиқ. Бироқ Фориш бошқачароқ. Чунки у оқимга қарши сузади. Уни дарёнинг шиддати авжга минган, тўстўполони жойларида, уорларида, тезоқар эммаларда учратиш мумкин. Фориш табиатидаги бу «қайсарлик» яъни, ўзини ҳаловатдан четта тортиш хислати ҳақида гапни чўзиш ниятимиз йўғу, бироқ мана шундай фель-атвор биз - инсонларнинг ҳам айримларимизда учраб туради. Бу яхши фазилат.

гиз қоронғуликка кўникиб қолган эди, яъни сиз зулматда узоқ яшадингиз. Туйқус... хона ёп-ёруғ нурга тўлиб, чарогон торди. Албатта, сиз эсанқираб, доғираб қола-сиз. Тамоман ёруғлик ичра турганингизга шубҳаланасиз ҳам. Токим руҳиятингиздаги эски кўникмалардан ҳалос бўлмаганга қадар, сиз мавжуд ҳолатни тўлиқ англай олмайсиз. Бугунги кунда, яъни, овоз ва ҳур чоғларда руҳий тозарингиз, фикран

Демакки, ҳанузгача улар эскича фикрлар сиртмоғидан ҳалос бўлмаган экан, нафақат жамиятга, балки ўзларига нисбатан хиёнат қил-ётганликларини унутмасинлар. Онгликда қотиб қолган кўрқув, ўз фикр-мулоҳазаларимизни (агар асосли бўлса) дангал тўкиб соломаслигимиз, истаёмизим, йўқим, шижоат еттишмаслигидан дарак беради. Шижоатсиз раҳбар эса ҳеч қачон янгликка қўл урмайди. Ак-

кундалик нашрларни ўз вақтида ўқимайди. Қўполроқ қилиб гапирсак, газеталар кўнлик умрини яшаб бўлгандан сўнг, давримиз раҳбарлари қўлига бориб тегади. Айрим вилоятларда обуначилар ҳафталаб газета ололмайди. Кундалик нашрлар ўқувчига ўн, ўн беш кўнлик қилиб жамланиб боради. Матбуотга, давр янгликларига нисбатан бунчалик бепарволик бугун бизнинг маънавий қиёфамизни белгилайди. Мутасадди ташкилотлар бошлиқлари ҳанузгача бирор хулосага келиб улғур-ришмади. Газетани ўз вақтида етказиб беришни ҳам муаммо қилиб ўтиришнинг ўзи уят эмасми? Кундалик ҳаёт нафаси, ижтимоий муҳит муаммо ва янгликларни акс этган, демократик давлат сиёсатининг моҳиятидан келиб чиқиб чоп этилган турли мавзудаги мақолалардан ўз пайтида хабардор бўлмаслиқнинг ўзи ҳам даврга нисбатан бепарволик оқибати эмасмикан?

Тажриятга келатган шижоат хатларини ўқиб дод деб юборсан киши. Жойларда осонликча ҳал бўлиши муқаррар муаммолар ечимини топиш учун Тошкентдан нажот кутган кишилар аҳолини тушун-сак бўлади. Очиғи, уларнинг маҳаллий раҳбарлардан кўнгли қолганлиги боис ҳам бизга мурожаат қилишмади.

Ўртимизда фидойи, ўз мансабиданда (!) ел бахт саодати, қур амолотини юқори қўйдиган раҳбарлар кўп топилади. Улар ўзларига, энг муҳими, одамларга ишонадилар. Халққа суянмади. Бешиткебратар янгли тебраниб, кимларнингидир олдида ҳушумад ҳам қилишмади. Уларни халқ ҳам ардоқлади. Қайда қайси раҳбарки халқ эъзозидан экан, демак, ўша ерда тўкин-сочинлик, ўша ерда йўлбошимиз бот-бот ўқираётгани каби инсон шаъни улғунгани, бўзал турмуш яратиш учун ҳамжihat харажат мавжуддир.

Раҳбар бўлиш яхши. Бироқ унга осон кечмайди. Халққа яқин бориш қийин. Одамларни ўзига қаратиш, ишонтириш, куруқ ваъдалар билан эмас, амалий натижалар самараси ўлароқ оддий халқ дилига йўл топиш мумкин. Бунинг учун доимо янгликка интилиш зарур. Шу хусусида, Президентимизнинг «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қоникарсиз аҳоли ҳақида»ги Фармойишидан ушбу жумлаларни эсга олайлик: «**Жойларда кадрларга нисбатан талабчанлик еттишмайди. Лоқайлик, бепарволик ва манманлик муҳити ҳукм сурмоқда. Янгликка интилай эскича фикрлайдиган раҳбарлар билан мурасолик қилиб келинмоқда...**»

Ҳа, бугун қайси лавозим эгаси бўлишимиздан қатъий назар, аввало тафаккур, ҳа, янгича фикр қила билишимиз зарур. Миллат, халқ манфаати, истиқлол ҳимояси бизнинг мансаб курсимиздан миллион баробар қадрироқ ва улғур-роқдир.

Қўчқор НОҲҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

РАҲБАР ШИЖОАТСИЗ БЎЛМАЙ...



Аммо ҳаётимизда шу хусусият туфайли баъзида ташвишу қийинчиликлар орттириб юраемиз. Тўғриси айтганда, гоҳида кўриб кўрмасликка олиш, ўзингга тааллуқли бўлмаган нарсаларга аралашавериш оқибати яхшиликка олиб келмаслигини тушунган кўннингдан бошлабқочан атрофга мослаша бошлайсан. Жангда ўққа учиб эмас, тирик қилишнинг ўзи ҳам қаҳрамонликдир, деган тушунча қобигига ўралиб оласан. Бир маромада оқайтган ҳаёт измида тинчгина ўз кўннингни ўзлаштириб олиш ҳам кишидан маҳорат талаб қилади. Бироқ бу маҳорат қалбдаги шиддат, онгдаги ўзлик ўтининг ўчиб бўлиши, тафаккур бўлмоғига қўра-била туриб тош бостирми эвазига келади. Энг ёмони, инсон юрагининг қоронғулик ичра фарқ бўлиши туфайли келади, бу маҳорат. Ҳа, тафаккур чизиги туташган кўз қалбда, ботинда бўлади. Бу кўз қириши билан биргаликда мушоҳада этиш, англаш, ҳатто фикрлаш имконига эга. Иккала кўзимиз нурга етмаган жойларни, олисларни, эрта-кечани, кечани... юрагимиздаги кўзимиз кўради. Ана энди фикримизни оидинлаштирсак: кўнгул кўзини турмушининг озорларидан чўчиш ҳисси кўмакдан инсонларнига ноҳақликларга чидай олмайдими, беш кўтарайди, ўзича исён қилади, янгликлар излайди, нега, нима учун, деган саволлар қошида чоғлана билади. Фақатгина инсофода диёнатга йўғрилган одил жамиятдагина улар эъзоз топади.

Шу ўринда бир нарсани асра-латиб ўтиш жоиз деб биламан. Президентимиз мамлакат истиқлоли, яъни, озодеклик сессия минбаридан туриб эълон қилган чоғда зални тўлдириб турган депутатларимиз ҳеч нарсани англаб-англамай, каловлиб туришди. Ваҳоланки, миллатнинг гули, халқнинг уйғоқ қисми саналган бу тоифадаги кишиларки шу ҳодисани таҳлил қилишга ўша лаҳзада қийналиб қолишди, демак, инсон руҳиятига сингган ўтмиш даври мафқурасининг таъсири бениҳоя эди. Сессия залида эса замон шамолга қарши юрадиган одам битта эди. Шамолга қарши туриб Ватан ва миллат озодеклик ҳақида гапирарган Президентга ҳам хурматли депутатларимиз иккилик қараб туришди, ҳатто. Ваҳоланки, бу ердагиларнинг жуда кўнчилиги раҳбарлар эди.

ёруғлашув, эскича талмовсираш дараддан ҳалос бўлиш туфайли истиқлол моҳиятини англай оламиз. Шундагина Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ришталари билан боғланамиз. Бу ришталарни эса ҳеч нарса узомайди.

синча, ўз қобигига ўралиб «менга тегма» қабилида иш юритади. Кўп кузатганман. Катта-катта йиғинларда республика миқёсдаги раҳбарлар қаршида юртбошимиз шунчалар ёниб, кўнуби баъзи ҳолларда айрим жойларда содир бўлаётган соғуқ-қонлик, боқибегамликдан ўртаниб сўзлайдиларки, ичингизда оғриқ уйғонади. Наҳотки шу ерда ўтирган мансабдорлардан бирортаси ўзига тегишли хато-камчилик моҳиятини ўрнидан туркиб изоҳлай олмаса, ахир ички бир ҳамият, гурур деган нарсалар қаврда қолди? Наҳотки, миллионлаб томошабинлар ўзТВ орқали Президентимизнинг ёниб, ташвишли алфозда хатоларни бар-тароф этиш чоралари хусусида айтаётган гаплари юзасидан ўзига хос талқин ичра бирорта мансабдор шахс фикр билдирмади.

Кейинги олти йил ичида онгимизда инқилобий ўзгаришлар сезилди. Ҳар бир нарсасига тўри ва дахлдорлик билан муносабатда бўлиш тўғрисида шиканланди. Халқ билан одил ҳукумат, раҳбар ва одил одамлар орасида самими муносабат етилди, ораликдаги ўтиб бўлмас тўсиқлар олиб ташланди. Раҳбар ортидаги «тоғ» (буни шартли равишда «танк» деса ҳам бўлади) туфайли бемалол керилиб юриш мумкин эмаслигини англаб қолди. Энди ҳар ким ўзига суян-ниши керак, алаҳқусус, меҳнати ортидан келадиган манфаат боис ҳар кимнинг юзи ёруғ бўлади. Давлатнинг ҳамёнига ҳўз тикиб, гадо янглик кўз чўзиб турган билан иш битмайди. Ва бундай раҳбарлар эса эл кўзидан шармисор бўлгандан кўра, ёш, эңчил, уздабурон бирон кишига ўз вазифасини топширгани маъқул келади. Чунки бу ўринда ягона уйғимиз Ўзбекистонимиз, қолаверса, ҳар биримизнинг манфаатимизда муштараклик тушунасини англаб улғуриш талаби қўрилади. Халқ ишончи, Ватан умиди, Президент ниети ҳар қайсимизнинг кўнглимизга го бўлиши керак. Бу эса айнисика, амал курсидада ўтирган раҳбарларимизнинг иймонини бутлиги, халқларварлиги, ўзига ишона билиш, керак пайти кескин хулоса-лар қилиб, қатий тадбирларни қўлай билиш билан солиҳиятига эга бўлиши билан боғлиқ. Дейлик, туман ҳокими туман миқёсда олиб борилаётган ишлар қўламини изчил ривожлантириш учун ўша юмушга имкон даражада одамлар турмуш тарзининг фаровонлиги нукта-назарини билан эътибор қаратганда тадбиркорлик ва ишбилармонлик раванқ топади.

Авалло раҳбар маънавият-ли, савияси балинд даражада шакланган айёли одам бўлиши керак. Шунинг учун ҳам одамлар уларнинг ортидан эрғашади. Ундан андоза олиш-шад, ҳурмат қилишда, айтган гапни икки қилишмайди. Бугун раҳбар халқ олдида ёруғ юз билан турган, одамлар кўзига тик қарай билиш зарур. Пилла, галла, чорва, пахта... жамики соҳаларда режани уздашас асосида энг аввало инсон қадр-қиммати ва унинг ҳуқуқларини юқори қўйган раҳбаргина том маънода давр одамидир. Давр ва раҳбар дедик. Бугунги ижтимоий вазиятни ўз вақтида етарлиқ таҳлил эта билиш, ўз баҳосини бериш, мамлакатда сиёсий-ижтимоий аҳолини теран англаш учун раҳбарларимиз ҳар сония изланишда бўлиши даркор. XXI аср бўсағасидими. Унинг талаб-лари биздан бетиниман меҳнат, тер тўкиш ишлашни, соат сайин маънавий олам сари юксалишни сўрайди. Бу осон эмас...

Шу ерда шунчаки бир ҳодиса деб қаралдиган нарсасига диққатимизни жалб қилайлик: Бугун республикамиздаги вилоятлар ҳокими-дан тортиб, ташкилот раҳбарига (бундан Тошкент шаҳри мустанго) бирор киши

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ГА 1998 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ахборотнома»га йил бўйи обуна бўлиш мумкин. Аммо ҳозир унга обуна бўлишнинг айни пайти. Бунинг учун республикамизда истеален алоқа бўлимига мурожаат этиш kifоя.

«Ахборотнома»да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг айрим масалаларга бағишланган қарорлари мунтазам эълон қилиб борилади. Шу билан бирра амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгаришларни ҳам «Ахборотнома» изчил бериб боради.

Бу айнақса вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари учун, мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар ва ташкилотларнинг бошқалари ва мутахассисларига, иқтисодчилар ва ҳуқуқшуносларга ҳамда юридик билимга қизиқувчи барча муштарайларга бағоят керакли нашрдир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси» ҳар ойга ўзбек ва рус тилларида, бир жислдада чоп этилади.

«Ахборотнома»нинг индекси 887 бўлиб, каталог бўйича баҳоси: бир ойга -- 100 сўм, уч ойга -- 300 сўм, олти ойга -- 600 сўм, бир йилга -- 1200 сўм.

Ҳар бир алоқа бўлимида «Ахборотнома»га обуна бўлиш шартлари ҳақида янада муфассалроқ маълумотлар олиш ва обунани бепул ҳолда расмийлаштириш мумкин.

• «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Ушбу мақолада республика миқёсдаги ҳуқуқимизнинг шу йил 15 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 82-сонли қарорини Тошкент шаҳар ҳокимлиги

нида чоп қилинган «Бугуннинг бозорлар вақили» мақолада тилга олинган масалалар Миробод тумани мувофиқлаштириш кенгашида туман ҳокими иштирокида муҳокама қилинди. Унда туман ҳокими ўринбосарлари, прокурор муовини, ички ишлар бўлими бошлиғи, солиқ инспекцияси, СЭС ходимлари ҳамда тилсиздаги ушбу масалага дахлдор бир қатор раҳбарлар қат-

нинг охирида кенгашида муҳокама қилиш вазифаси оқсатилди.

Б. МАКСУДУХҲАЕВ,
Миробод тумани ҳокими.

«Халқ сўзи» газетасида босилган «Бугуннинг бозори» номли мақолада бошқарма миқдорлари билан биргаликда ўқиб, муҳокама қилиди. Дарҳақиқат, унда ўринли танқидий мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, «Миробод»

«БУГУННИНГ БОЗОРИ»

(23.10.1997 йил)

томонидан бажарилиши тўғрисидаги қарорни қандай бажари-лганлиги ҳақида фикр юри-тилганди. Очиғи, ушбу масала билан яқиндан танишиш чоғида пойтахтимиздаги бир қанча бозорларда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, ҳали ўз ечимини қутаётган камчилик ва муаммолар ҳам

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

29 октябрь куни Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади

Марказий Европанинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Венгрия Республикаси 93 минг квадрат километрлик майдон ва 10 миллиондан ортиқ нуфусга эга. Пойтахти -- Будапешт. Пул бирлиги -- форинт. Венгрия 19 маъмурий-ҳудудий қисмга бўлинган.

Венгрия Президенти Арпад Гёнц 1995 йилнинг 19 июнида сайланган. Президент давлат раҳбари ва мамлакат қуроли кучларининг бош қўмондони ҳисобланади. Бундан ташқари, Президент мамлакат ҳукумати раҳбарини сайлаш ва фақулдода ҳолат эълон қилиш ҳуқуқига эга.

Республиканинг қонун чиқарувчи органи Давлат Йигини, яъни парламентдир. Давлат Йигини аъзолари 5 йиллик муддатга сайланади.

Венгрия Вазирлар Кенгаши олий ижрочи орган ҳисобланади. Вазирлар Кенгаши Давлат Йигини томонидан беш йиллик муддатга сайланади. Кенгаш раиси Бош вазир лавозимига эга бўлиб, мамлакат Президентига Давлат вазири ва вазир лавозимларига номзодларни тавсия қилади.

Венгрия иқтисоди асосан машинасозлик, қайта ишлаш саноати маҳсулотларига таянади. Мамлакатнинг 1996 йилги экспорти 13,1 миллиард, импорти 12,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Экспортнинг асосий қисми қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, қайта ишлаш саноати машиналари ва турли асбоб-ускуналардан иборат. Венгрия иқтисодиётига хорижий сармоя жалб этиш суръатлари ҳам анча юқори.

Венгрия Республикаси Ўзбекистон билан турли соҳалар бўйича, айнаниса, савдо-сотиқ борасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ ҳўжалиги, полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика саноати, шунингдек, темир йўл ва автомобил йўллари ривожлантириш соҳалари бўйича изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён анча вақт ўтган бўлишига қарамай, ўзаро муносабатларимизни акти эътиборчи қайдномаларда олий даражадаги ташрифлар шу кунгача йўқ эди.

Дастлаб, 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон Бош вазири раҳбарлигидаги делегация Венгрия Республикаси ташриф буюрди. Ушбу ташриф асосида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги ҳукуматлараро Битим имзоланди. Мазкур ҳужжат икки давлатнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлиги учун илк асос бўлиб хизмат қила бошлады.

Сўнг, 1993 йилнинг апрелида мамлакат

тимизга Венгрия ташқи ишлар вазирлигининг Давлат котиби раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Ушбу ташрифдан асосий мақсад икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйиш ва иборат эди. Шундан сўнг, тез орада «Могорт», «Боглина» каби венгер фирмалари Ўзбекистонга кириб кела бошлади. «Могорт» фирмаси орқали юртимизга машҳур «Икарус» автобуслари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари келтирила бошлаган бўлса, яна бошқа фирма ва компаниялар дори-дармон, енгил саноат маҳсулотларини олиб келиш билан шуғулланишга киришди. Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида эса, венгриялик шериклар билан паррандачилик соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

1995 йили пойтахтимиз Тошкентда Венгрия савдо ва маданият маркази ишга тушди. Марказ ташаббуси билан 1996 йилнинг кузида очилган кўрғазма зали ҳозирги кунда ҳам пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқнинг салмоқли қисмини Ўзбекистон пахтаси ва Венгрия бугдойи эгаллайди. Жумладан, ўтган йили Венгрияга 25 миллион АҚШ доллари ҳажмида пахта ва пахта маҳсулотлари экспорт қилинди. Венгриядан эса жами 20 миллион АҚШ доллари ҳажмида турли товарлар келтирилди.

Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг дастлабки саккиз ойида бу кўрсаткич қарийб 30 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу рақам ҳар икки давлатнинг иқтисодий салоҳияти ва мавжуд имкониятларига тўла уйғун эмас, албатта. Венгрия Президенти Арпад Гёнцнинг мамлакатимизга ташрифи ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг кенгайиши ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожини оқшатаётган омилларни бартараф этиш масаласини атрофлича қўриб чиқиб, зарур ҳулосалар чиқариш учун қулай имконият яратди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Венгрия Президенти Арпад Гёнцнинг мамлакатимизга ташрифи ўзаро муносабатларда бурилиш ясаши учун барча шарт-шароит мавжуд. Чунки орадаги узоқ масофага қарамасдан, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида дўстона муносабат ҳамда ўзаро ҳамкорлик пойдеворига юз йиллар бурун асос солинган. Халқаро миқёсдаги қатор масалалар бўйича ҳам давлатларимизнинг нуқтаи назарида яқинлик ва ўхшашлик бор. Қолаверса, Венгрия делегацияси таркибидеги ушбу мамлакатнинг етакчи ишбилармонлари бор. Ўзбекистонга ташриф чоғида уларнинг маҳаллий тадбиркорлар билан учрашувлари, биргаликда ўтадиган бизнес-семинар ҳам тез орада ўз самарасини беражаги аниқ.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

• БУГУН — ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН

Бундан роппа-роса 74 йил аввал буюк Отатурк раҳнамолигидаги тараққийпарвар кучларнинг ғалабаси натижаси ўлароқ Туркия Республикаси ташкил этилган эди.


Турк йўлбошчиси Отатуркнинг улкан хизматларидан бири шунки, у ёш мамлакатнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб берди. Ва бу йўл йиллар синовидан ўтиб, Туркияни тараққий сари етаклади. Индустрия базасини тараққий эттириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқий демократик давлат тизимига қайта эътибор қаратилди.

Келиб эса Туркия ҳам иқтисодий, ҳам маданий, ҳам сиёсий жиҳатдан қаддини тўтиб олган ривожланган давлатлардан бирига айланди.

Туркия аввалида, асосан хомашё ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қил

Туркия ҳозир четта йилга 20 миллиард АҚШ доллари миқдорда маҳсулот сотмоқда.

Сўнгги ўн етти йил ичида Туркия бозор иқтисодиётига ўтиб, талай муваффақиятларга эришти. 1980 йилдан бошлаб мамлакат иқтисодида очиқ ва барқарор ташқи сийосат юргизилди. Ана шу давр ичида ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми сезиларли ўсди. Бу эса ҳар йили



бормоқда.


Айни вақтда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликка хизмат қилувчи ўнлаб ҳўкуматлараро ҳўжатлар имзоланган. Республика Президент Иелом Каримовнинг Туркияга, Туркия раҳбарларининг мамлакатимизга сафари иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқалар рағбатига мустаҳкам пойдевор қўйди, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 30 га яқин Туркия компанияларининг ваколатхоналари, 170 дан ортиқ ўзбек-турк қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатаяпти. Ушбу қўшма корхоналар республикамиз тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобиль саноати ривожига ўзига хос тарзда ҳисса қўшмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, пойтахтимизнинг янада чирой очилиши, кўркамлашишида турк курувчиларининг алоҳида хизматлари бор.

Х. АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАРАҚҚИЁТ ЙўлиДАГИ МАМЛАКАТ


Туркия аста-секинлик билан



лан жаҳон ҳамжамияти ила интеграциялаша борди. Мамлакатга хорижий сармояни жалб этиш ўзини тўла оқлади. Асиримизнинг 50-йилларида мамлакатда иқтисодий инқироз бартараф этилди. 80-йилларга

ган бўлса, сўнгги даврда четта турк экспортнинг салмоқли улушини машинасозлик, тўқимачилик, кимё, енгил саноат маҳсулотлари ташкил этаётган. Фақат биргина рақам:

Қува туманидаги мевасабзавотлари қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятида жорий йилда 8 миллион 700 минг шартли банка миқдорда маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган. Бу деган сўз, корхонада йил давомида 35 миллион сўмлик мевасабзавот кон-



сервалари ишлаб чиқарилади демасқидр.

СУРАТЛАРДА: қайта ишлаш цехи ишчиси Ортиқхон Одилова, сифат назоратчиси Зулхумор Гуломова янги турдаги маҳсулотларни намойиш этмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ МУАММОЛАРИГА БА ФИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ТЕХНИК УЧРАШУВ ЯҚУНЛАРИГА ДОИР КОММУНИКЕ

1997 йил 15 -- 16 октябрь кунлари Тошкентда Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига бағишланган Халқаро техник учрашув бўлиди. Учрашувни Жаҳон банки, БМТ Тараққий Дастурининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Иелом Каримов қўллаб-қувватлаган ҳамда Марказий Осиёдаги барча давлатлар бошлиқлари маъқуланган ташаббуси билан Оролни кўтариш Халқаро Жамғармаси Ижроия қўмитаси ташкил этди.

Учрашувда Марказий Осиё давлатлари Бош Вазирларининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбар ва мутахассислари, элчионалар, ўғтиздан ортиқ мамлакат, халқаро банк ва жамғармалар, Жаҳон банки, БМТнинг миссия ва ташкилотларининг вакиллари, ноҳукумат ва экологик ташкилотларнинг техник экспертлари ва мутахассислари, жами 200 дан ортиқ киши иштирок этди.

Учрашувда Орол фожиаси жаҳон ҳамжамиятига табиатдан оқилона фойдаланиш масаласи тўғрисидаги биринчи марта ўзаро иштироқли муаммоларни ҳал қилишга йўл кўрсатишга эришилди. Вақолатки, атиги 20 йил бурун ҳеч ким бунга аҳамият бермаган эди. Мана шу қисқа давр ичида катталик буйича жаҳонда туртинчи ўринда турган кўл ер юзидан йўқолиб бормоқда, сўн жиҳатдан Европа мамлакатларидан бирига тенг бўлган аҳоли фожиаси марказида қўлиб, XX асрнинг энг мураккаб экологик фожиаси жабрини тортимоқда.

Иштирокчилар Халқаро техник учрашунинг мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда:

-- Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш стратегияси барча Марказий Осиё давлатлари сийосатининг устувор йўналиши бўлиб қолади;

-- халқаро ташкилотлар, донор мамлакатлар, миллий ҳукуматлар, маҳаллий ҳокимиятлар ва Оролни кўтариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасининг сўз-ҳаракат, ёрдам ва маблағлари экологик мувозанатни тиклашга ҳамда жамғармалар, қўмақлашув агентликлари орқали минтақа аҳолиси учун ҳимоя шароитини барпо этишга сафарбар қилинади;

-- минтақадаги фожиа ҳолати ҳақидаги ахборот, иштирокчиларга тақдим этилган маъмулий, лойиҳа ва таклифлар муҳокамаси жамоатчилик, халқаро ташкилотлар, донор мамлакатлар, алоҳида шахслар ва жамғармалар эътиборини бутун инсониятга қўриб солиш турган ҳатер, хусусан Орол фожиасига жалб этилиши, ҳамда уларни фожиа таъсирини камайтириш учун тезлик билан ёрдам кўрсатиш борасида сўз-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигига ишонтиради;

-- Орол фожиаси, шунингдек, ҳаммани, агарда барча халқлар ва мамлакатлар бунга тўла англаб етиб, бундан кейин ҳам табиатдан оқилона фойдаланишнинг давом этасиришининг олдини олиш буйича амалий ишга киришмас, экологик бўҳронлар бутун инсоният учун яққол хатар бўлиб қолишига ишонтириши лозим;

жаҳондаги йирик ва оламшумул муаммоларнинг ҳал этилишига да кучайтириш ҳисобига ҳам эътибор қилинади.

Учрашув қатнашчилари қўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун тақдим этилган материаллар, маъруза ва ҳисоботлар чуқур таҳлил ҳусусияти ҳамда бўҳроннинг изчил мониторингинга эга, деб ҳисобландилар ва Оролни кўтариш халқаро жамғармаси таъсисчилари бўлган давлатлар минтақанинг ижтимоий-иқтисодий соҳасига 2 миллиарддан ортиқ АҚШ доллари (миллий валюталар қайта ҳисобланган ҳолда) миқдорда маблағ ўтказилишини таъминлаб, қилган мўайян ишлари ҳамда шу пайтгача тақдим этилган 15 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдордаги донорлик грант ёрдами салмоғини алоҳида қайд этидилар.

Жаҳон банки ҳамда БМТ Тараққий Дастури фаолияти бу ишга мўносиб ҳисса қўшиб, халқаро ташкилотлар эътиборини Орол фожиасига қаратгани, шунингдек, мазкур учрашув аҳолилик бўҳрон таъсирини муҳокамаси жамоатчилик, халқаро ташкилотлар, донор мамлакатлар, алоҳида шахслар ва жамғармалар эътиборини бутун инсониятга қўриб солиш турган ҳатер, хусусан Орол фожиасига жалб этилиши, ҳамда уларни фожиа таъсирини камайтириш учун тезлик билан ёрдам кўрсатиш борасида сўз-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигига ишонтиради;

ва халқаро ташкилотлар кўрсатган молиявий ёрдамни янада кучайтириш ҳисобига ҳам эътибор қилинади.

Орол денгизи ҳавзасидаги давлатлар учрашуви Орол денгизи ҳавзаси Дастурига ёрдам кўрсатишни қўллаб-қувватлаш учун изҳор этилган мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар: Жаҳон банки, БМТ Тараққий Дастури, Жаҳон солиқликни сақлаш ташкилоти, Европа Иттифоқи, Иелом Тараққий Банк, Кувейт Тараққий Банк, Жаҳон савдо-саноат ташкилоти, Канада, Голландия, АҚШ, Швейцария Конфедерацияси, Японияга чуқур миннатдорлик изҳор этилиши ҳамда бошқа донор ва халқаро ташкилотларнинг ҳам Орол денгизи ҳавзасида бошланган дастур, лойиҳаларни амалга оширишда янада фаолроқ ёрдам кўрсатишига, шунингдек, бевосита бўҳрон зонасида қашшоқликка қарши курашиш учун ишчи қаринини барпо этиш энг мақбул йўл эканини ҳисобга олган ҳолда, аҳолига ҳусусий ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида ижтимоий кўмак берувчи махсус жамғармалар (агентликлар) ташкил этилишига умид бўляди.

Учрашув қатнашчилари Марказий Осиёдаги бешта давлатнинг Орол денгизи ҳавзасининг барча дастур ва лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш ва бу борда масъулиятни таъминлаш буйича ягона минтақавий тўзимаси -- Тошкентда Оролни кўтариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитаси, барча Марказий Осиё давлатларида унинг филиал ва бўлиmlари ташкил этилишини мамнуният билан қайд этидилар.

Оролни кўтариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитаси

Ўз зиммасига Орол денгизи ҳавзаси дастур ва лойиҳаларида иштирок этиш ниятида бўлган барча донорлар билан бевосита иш олиб бориш ва бу боралдаги фаолиятни таъминлаш масъулиятини олади ҳамда ўзи уларнинг алоқалар ўрнатиш ва грантлар, траст жамғармалари, шунингдек, минтақага кўрсатиладиган ёрдамнинг барча турларидан аниқ мақсад йўлида фойдаланиш буйича агентли ва сифатини бажаришга тайёр эканини билдиради. Ижроия қўмитаси учрашувда тилга олинган барча масалалар ва турли муаммоларнинг ҳар бир жиҳати буйича, шунингдек, бошқа мурожаат ва сўровлар буйича зарур ахборотни тақдим этади.

Ижроия қўмитаси минтақавий Барқарор тараққий комиссияси, миллий Барқарор тараққий комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда Ижроия қўмитаси ишнинг ташкил этиш жараёнида Давлатлараро сув ҳўжалиги мувофиқлаштирувчи комиссияси ва уларнинг ташкилотлари, илмий-тадқиқот маркази, «Амурдёр», «Сирдарё» ва бошқа Ҳавза сув ҳўжалиги бирлашмалари билан мувофиқлаштиришни амалга ошириш мажбурийлигини тасдиқлайди.

Учрашув қатнашчилари халқаро ташкилотлар, донор мамлакатлар вакиллари, БМТ ташкилотлари, Жаҳон банки учрашувда олинган ахборот, таклиф ва техник топшириқлар асосида ўзларининг дастур ва лойиҳаларда маблағ, дори-дармон билан ёки бошқа қўришни тасдиқлаб, Оролни кўтариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасини бундан халқаро қилади, деб умид билдиридилар.

Ижроия қўмитаси манзили: 700128, Тошкент шаҳри, Аб-

ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШЛАМОҚДА

ЮНЕСКОнинг олий органи -- Бош конференция барча аъзо-давлатлар вакиллари икки йилда бир марта ййғади. Унинг навбатдаги, ҳисоб бўйича 29 сессияси 21 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида ўз ишини бошлади. Анжуман 12 ноябргача давом этади.

Конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослаштирилган мазкур муассасасининг 1998-99 йиллар учун фаолият дастури лойиҳасини қўриб чиқади. Сессия иштирокчилари ахлоқ доирасидаги, хусусан, инсон геноми (бир-биринга ўхшаш кишиларни генетик жиҳатдан етиштириш) ва ҳозирги авлодининг келажак авлод олдидеги маъсулиятини ҳамда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор томонидан киритилиб, қўриб чиқилиши талаб қилинаётган -- инсоннинг тинчлик учун ҳуқуқи тўғрисидаги таклифи каби муҳим муаммоларни муҳокама қиладилар.

Бош конференциянинг бу галги сессияси ишида 186 аъзо-давлатнинг икки мингдан ортиқ намоёндалари ҳамда ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлардан юзаб қазувчилар қатнашмоқдалар. Турли мамлакатлардан келган юздан ортиқ таълим вазирларининг сўзга чиқиши кутилмақда.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 29 сессияси ишида республика Бош вазири ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия раиси Аншпер Азизхўжаев бошчилигидаги Ўзбекистоннинг обрўли ҳайъати иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз илгари сурган учта таклиф ЮНЕСКО Ижроия кенгаши томонидан қўриб чиқилди ва Бош конференцияда тасдиқлаш учун кун тартибига киритилди. Буюк файласуф, ҳадис илмининг асосчиларидан имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, атоқли астроном ва математик Аҳмад Фароний таваллудининг 1000 йиллиги ҳамда Марказий Осиё халқлари овқати адабиёти ёдгорлиги бўлиши «Алломиш» эпосининг 1000 йиллиги билан бораққ тадбирлар шулар жумласидандир.

Жўра ДЕҲҚОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Париж.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 28 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	53,03	1 Норвегия кронаси	10,86
1 Австрия шиллинги	6,20	1 Поляна злотийси	22,58
1 Англия фунт стерлинги	126,36	10 Португалия эскудоси	4,29
10 Бельгия франки	21,18	1 Сингапур доллари	48,69
1 Голландия гульдени	38,76	1000 Туркия лираси	0,42
1 Греция драхмаси	2,78	1 Финляндия маркеси	14,60
1 Дания кронаси	11,47	1 Франция франки	13,03
1 БАА дирхами	21,03	1 Швейцария франки	10,17
1 АҚШ доллари	77,24	1 Швейцария франки	52,87
1 Миср фунти	22,80	1 ЭКЮ	85,86
1 Ирландия фунти	113,08	10 Жапония Корея вони	0,82
1 Исландия кронаси	1,07	10 Япония иенаси	6,32
1 Испания песети	5,18	1000 Россия рубли	13,13
100 Италия лираси	4,47	1 Украина гривнаси	41,26
1 Канада доллари	55,49	1000 Беларусь рубли	2,70
1 Хитой юани	9,32	1 Эстония кронаси	6,09
1 Кувейт динори	253,85	1 Латвия лати	131,81
100 Ливан фунти	5,03	1 Литва лати	19,31
1 Малайзия ринггити	22,83	1 Қозғовистон тенгеси	1,02
1 Германия маркеси	43,66	1 Қирғизистон сомни	4,52

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олганган.

ИБРАТ

Самарқанддаги Тошкент кўчаси шаҳарнинг қоқ марказидаги Регистон майдонидан бошланиб, сўнг дўконлар растаси, қаҳвахона ва новвойхоналарни оралаб, Бибихоним мадрасаси чинорлари остидан ўтиб, Сиёб бозорида ниҳоясига етади...

ТОШКЕНТЛИК БОЛАКАЙЛАР САМАРҚАНДДА

Яқинда Тошкентдаги 21-ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчилари қадим шаҳарда бўлиб, шу кўча бўйлаб келишди. Болакайлар, фақат улар эмас, балки уларнинг ўқитувчилари, ота-оналари ҳам ўз кўрган нарсаларидан олган завқли таассуротларини бир-бирига айтиб тутата олмас эдилар. Ахир улар бу кўчани, афсонавий шаҳарда илк бор бўлишлари-да! Тўғри, Самарқанд тўғрисида кўп эшитилган, ўқилган, телевизорда томоша қилинган. Лекин кўз билан кўриш бошқача экан.

«Мен Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейида ишлайман», - дейди Н. Холбуғасаев. - Ўз ишимни яхши биламан, Самарқанд, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари тўғрисида ҳам унча-мунча тасаввурим бор. Лекин кўрганга нима етсин. Мен, мана, етти ёшли ўғилчам билан келидим, мактаб директори бу митингларни Самарқандга саёхатга таклиф этганини эшитиб, жудаям хурсанд бўлдим».

Тарих сабоғи... Одатда, бундай дарслар мактабларнинг бешинчи синфидан бошланади. Самарқанд ва

Тошкентдаги 21-мактаблар бошқача қарорга келдилар: болакайлар ҳаётдаги энг биринчи оқимларидан бошлаб, она ўлкасини расм-суратлар, катталарнинг ҳикоялари, телеэкран орқалигина эмас, балки ўз кўзлари билан кўриб, билганлари яхши!

Бундай тadbирни бошлашга бошладигу, кейин бироз хавотирландик ҳам, - дейди Тошкентдаги 21-мактаб директори Мамура Сирожиддинова. - Тошкентнинг Юнусобод маззелидagi 1-синф болакайларини юзлаб километр олисларга, бошқа шаҳарга олиб боришнинг ўзи буладими? Аввал фақат муаллимларнинг бошчилигида йўлга тушмоқчи бўлдик, кейин ота-оналари билан боришса унгайроқ бўлишни ўйладик. Хуллас, мана, кўриб турибсизки, «Бошдан кечирилган тарих сабоғи» дастуримиз кўнгилдагидай ўтатипти.

Тайёргарлик узок муддатга чўзилди. Аввал Самарқанддаги 21-мактаб раҳбарияти билан боғланиб, бизларни қарши олиб, шаҳарни кўрсата олиш имкониятларини сўраб билдик.

Улар бундай ҳамкорликни мамнуният билан маъқуллашди. Бунинг устига, Самарқанддаги 21-мактаб Тошкент номидаги кўчада эканлигини айтмайсизми, - дейди хайратини яшира олмай Мамура Сирожиддинова. - Йулбошловчи бўлиш

осон иш эмас экан, - дейди Светлана Худойкулова-Сиёб тумани халқ таълими бўлими ходими зиммасидаги бугунги янги юмушни назарда тутиб, ҳазил оҳангида, - лекин фахрли иш. Тошкентлик болакайларнинг қувонч ва хайрат тўла кўзларига бир боқинг, улар ўз она шаҳарларидан ташқарига биринчи марта чиқишлари. Болакайлардан бири Бибихоним мадрасасида бўлганимизда, уни хайратланиб кузатиб: «Тошкентдаги бинолардан баланд экан», - деди. У муқояса қилаяпти, демак болакайнинг мурғак онгида илк ҳаётий фикрлар шаклланоқда.

Сизлар кўраётган концертни Самарқанддаги 27-мактабнинг Арслон ака Аҳмаджонов бошлиқ болакайлар фольклор ансамбли кўрсатаёпти, - деди шу мактаб директори ўринбосари Нодира Курбонова. - Улар тошкентлик дўстларини ўз шаҳарларида чин қалбдан табриклидилар.

27-мактаб 1-синф ўқувчиларини ҳам 21-мактабга қўшиб Тошкентга таклиф қилиш мумкин эди. Ҳарқалай, тошкентлик ўқувчи-

ларнинг Самарқандга саёхати яхши бир ташаббус бўлиб, мамлакатимизнинг қадимги ва ҳозирги пойтахтларидаги мактаблараро, синфлараро, туманлараро дўстона алоқаларни ўрнаттишга йўл очса, ажаб эмас.

Шаҳар бўйлаб саёхат якунлангач, болакайларни 21-мактаб оғушига таклиф этишди. Мактаб директори Сайёра Меликова мактабнинг тарихи, уни тамомлаб чиққан машҳур шахслар ва ҳозирги кундаги мактаб ҳаёти тўғрисида меҳмон-болакайларга сўзлаб берди.

Утган ўн йиллар мобайнида, - деди, жумладан, Сайёра Меликова, - мактабимизнинг бағрида бир қатор атоқли давлат, фан, маданият, санъат намояндalари илк таълим-тарбияни олганлар. Улар мактабимизга келиб-кечиб турдилар.

Икки мактаб ўқувчиларининг учрашуви чоғида бир-бирларига китоблар, ўз қўлларидан ташқарига биринчи марта чиқишлари. Болакайлардан бири Бибихоним мадрасасида бўлганимизда, уни хайратланиб кузатиб: «Тошкентдаги бинолардан баланд экан», - деди. У муқояса қилаяпти, демак болакайнинг мурғак онгида илк ҳаётий фикрлар шаклланоқда.

Юмшоқ ўриндиқларда мудроқ босган болакайларнинг тушига нималар кирди экан? Ишончимиз комил, катталар - ўқитувчилар, ота-оналар, шофёр амакилари улар учун уюштирган байрам - афсонавий Самарқандга саёхатнинг рангдор бўёқлари мурғак хаёлларда чарх ураётгандир, юз йилларнинг бой тарихига дуч келган митти хаёл ва онда мўъжизалар содир бўлаётгандир...

Ф. ФАХРУДИНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЮШМАСИ —



“УТИД”

қардош Туркиянинг Жумҳурият деб эълон қилинганлигининг 74 йиллик байрами билан бутун турк халқини чин юракдан муборакбод этади.



Бу қутлуғ сана муносабати билан абадий дўст турк халқига соғлиқ, бахт-саодат, Туркия давлатининг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб боришида Зафарлар тилайди.

Жиззах, Самарқанд, Ленинобод, Чимкент вилоятларининг шифокорлари ва беморлари диққатига!

Ренгенли компьютер томография «Дженерал Электрик» фирмасига қарашли «Sytex-2000» томографи Гулистон шаҳрида «Матлуба» пуллик клиникасида ўрнатилган.

Бу ерда ультратовуш, лаборатор диагностика ва юқори малакали шифокорлар маслаҳати ҳамда меҳмонхона хизмати ташкил қилинган.

Кулай, сифатли, самарали.

Гулистон ш. Мустақиллик кўчаси, 54.
Алоқа телефонлари:
Директор 25-26-57.
Бухгалтерия 25-26-58.
Регистратура 25-26-62.

Европа андозларидаги лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона қўшма корхона

“Лок колор ситтез”
таклиф қилади

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАР, деворлар ва шифтлар учун ФАСАД БҮЁЁҚЛАРИ

КЕНГ ЁЙИЛГАНРАНГЛИ ГАММА!

Тўлов тури — олдиндан.
Сезиларли сийлов тизими.

1998 йилга шартнома тузиш 1 октябрдан бошланади.

СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент, нурга чидамли яшил пигмент.
Олий маълумотли химик лак-бўёқ-чилар КЕРАК.

Манзиллашим: Тошкент, Фароно аўли, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.

Ҳар кунги капсуласини қабул қилар экансиз, сиз ўз терингизни муссофо қиласиз, гўзаллик ва майиллик бахш этасиз.

БҮЮТИ ШЮС

Сизнинг бардам ва гўзаллигингиз, Шажар дорихоналаридан сўранг

«Гўлжанта» фарма лимитед

DEKRAMA
BY SINOZIMAP
Tel: 136-09-25

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўшмаси Фароно вилоти 186-Бенарик сайлов округида сайланган Олий Мажлис депутати. Қўшма аъзои

Замира ХОЛМАТОВА
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақдошлари таъзия ихор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарат жамоаси масъул ходим Иброҳим Жонтуруевнинг Қалиббековга узати

Сўян ҚАЛИБЕКОВ
бевақ вафот этганлиги муносабати билан чўхур таъзия ихор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маҳкамаси ва статистика назирлиги жамоаси «Худудларни комплекс ривожлантириш» бўлими бошлиғи Роберт Аллагулова онаси

Фавна АЛЛАГУЛОВА
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чўхур таъзия билдиради.

«Ўзбексавло» давлат акционерлик уюмисини Бошқаруви ва жамоаси «Бухорасавло» савло ишлаб-чиқариш концернин раиси

Рашид АЗИЗОВ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўхур таъзия ихор этилади.

Ўзбекистон радиоси жамоаси «Еллик» бош муҳарриратининг муҳаррири Фахриддин Абдурахимовга отаси

Соҳаб ота АБДУРАХИМОВ
вафоти муносабати билан таъзия ихор қилади.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамоати Марказий Қўшмаси Андижон вилояти Қизил ярим ой жамоати қўшмаси раиси

Шоҳзадам ЮСУПОВА
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўхур таъзия билдиради.

«Савителгазмонга» трести жамон корхонаси Термиз ПМКси солиқ бошлиғи

Рашид НОРҚУЗИЕВ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўхур таъзия ихор қилади.

«Ўзлуржирбиржасавло» уюмисининг жамоаси қўшмаси бўлиб ишлаш бўлими бошлиғи лавозимини вақтинчалик бажарувчиси Ирода Тўхтамурадована онаси

Зулфияном ИСАМУҲАМЕДОВА
вафот этганлиги муносабати билан чўхур таъзия ихор этади.

Республиканинги ихтисослашган акциядорлик тижорат Мевабазоти-бўлимининг қўшмаси билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимини вақтинчалик бажарувчиси Ирода Тўхтамурадована онаси

Ноҳидов ОҚИЛОНОВА
вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига ва қариндошларига чўхур таъзия ихор этади.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «АЛОҚАБАНК»
акциядорлари диққатига!

“АЛОҚАБАНК” акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1997 йил 29 ноябрда соат 10.00 да Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади. Қатнашчилар шу кун соат 9.00 дан бошлаб зал пойгоҳида рўйхатга олинади.

КУН ТАРТИБИ:

1. “АЛОҚАБАНК”нинг 1997 йил 9 ойлик молиявий иш фаолияти якунлари тўғрисида.
2. Банк Уставига киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисида.
3. Банк Кенгаши таркиби ҳақида.
4. Тафтиш комиссиясининг таркиби ҳақида.
5. Турли масалалар.

Маълумот учун телефонлар: 133-62-54, 136-76-86.
“Алоқабанк” Бошқаруви.

Таърибали дистрибьюторлар таклиф этилади

ТОШКЕНТ, АНДИЖОН, НАМАНГАН, МАРФИЛОН, БУХОРО

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БҮДИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Халқаро ҳайт 132-11-15;
Хатлар 136-29-89;
136-55-39;
Хўж ва қўшунчилик 136-37-85;
Иқтисодийет 136-36-65, 136-07-94;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Туғи муҳаррират 133-10-28;
Эквалар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0670, 34.126 нускада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета ИВМ компьютерида терилди
ва операторлар Руслан АЗИМОВ ва
Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.
Босишга тошириш вақти—21.00 Босишга тоширилди — 21.20
1 2 3 4 5 6

С МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Муҳассиз — Ф. Усмонов.